



Issues of preventing the commission of a crime in a state of strong emotional excitement

Komil KHAKIMOV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received June 2023
Received in revised form
15 July 2023
Accepted 15 July 2023
Available online
25 August 2023

Keywords:

affect,
strong mental excitement,
crime prevention measures,
victimological prevention,
general and special
criminological measures.

ABSTRACT

In this article, the author highlighted the reasons for committing a crime in a state of strong mental excitement and the specifics of issues of its prevention. The author notes that victimological prevention of crimes committed in the event of an attack should be aimed, first of all, at immediate intervention in a conflict situation arising between the participants, at normalizing the conflict situation between them, as well as at carrying out preventive work with persons with increased malice. According to the article, affect is studied primarily as a psychological concept. Affect is understood in general psychological science as “an emotional process that engulfs a person in a short time, leads to a significant change in consciousness, violates his volitional control (leads to loss of self-control), and also causes a change in the entire functioning of the body”.

In criminology, general and special criminological types of crime prevention differ from each other. In this case, measures related to both types can be implemented at several stages of crime prevention. The author believes that in the general prevention of crimes committed in the event of an attack, it is necessary to pay attention to the following. First of all, when preventing crimes committed in the event of an attack, it is necessary not only to prevent the initial and main causes leading to the commission of a crime, but also to train persons who are quickly exposed to these causes and factors. Secondly, when educating this category of persons, it is advisable to form their skills of struggle for the formation of qualities and values useful to society, for the absence of negative mental experiences in their behavior in the event of various mental difficulties. The most important one came to the conclusion that when educating a person from youth, it is advisable to form not only a culture of behavior, but also an emotional culture.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss4-pp85-94>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International

¹ Doctor of Law, Associate Professor, Head of the Department, Tashkent State University of Law.
E-mail: hkb22@mail.ru

(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этишнинг олдини олиш масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

аффект,
кучли руҳий
ҳаяжонланиш,
жиноятчиликнинг олдини
олиш чора-тадбирлари,
виктимологик
профилактика,
умумижтимоий ва махсус-
криминологик чора-
тадбирлар.

Мазкур мақолада муаллиф томонидан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этишнинг сабаблари ва уни олдини олиш масалаларининг ўзига хос хусусиятларини ёритилган. Унга кўра, аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг виктимологик профилактикаси, аввало, иштирокчилар ўртасида юзага келаётган низоли вазиятга дарҳол аралашиб, улар ўртасидаги низоли вазиятни нормаллаштириш ҳамда юқори виктимликка эга бўлган шахслар билан профилактик ишларни олиб боришга йўналтирилиши лозимлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Шу билан биргаёшликдан тарбиялашда нафақат ўзини тутиш маданиятига, балки эмоционал маданиятни ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқ, деган хулосалар илгари сурилган.

Вопросы предупреждения совершения преступления в состоянии сильного душевного волнения

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

аффект,
сильное психическое
возбуждение,
меры по предупреждению
преступности,
виктимологическая
профилактика,
общие и специальные
криминологические меры.

В данной статье автор осветил причины совершения преступления в состоянии сильного психического возбуждения и особенности вопросов его предупреждения. Автор отмечает, что виктимологическая профилактика преступлений, совершаемых в случае нападения, должна быть направлена, прежде всего, на немедленное вмешательство в конфликтную ситуацию, возникающую между участниками, на нормализацию конфликтной ситуации между ними, а также на проведение профилактической работы с лицами с повышенной злобностью. Согласно статье, аффект изучается, прежде всего, как психологическое понятие. Аффект понимается в общей психологической науке как «эмоциональный процесс, который охватывает человека за короткое время, приводит к значительному изменению сознания, нарушает его волевой контроль (приводит к потере самоконтроля), а также вызывает изменение всего функционирования организма». В криминологии общие и специально-криминологические виды предупреждения преступности отличаются друг от друга. В этом случае меры, относящиеся к обоим типам, могут осуществляться на нескольких этапах предупреждения преступности. Автор считает, что при общей профилактике преступлений, совершенных в случае нападения, необходимо

обратить внимание на следующее. Прежде всего, при предотвращении преступлений, совершенных в случае нападения, необходимо не только предотвратить первоначальные и основные причины, приводящие к совершению преступления, но и обучать лиц, которые быстро подвергаются воздействию этих причин и факторов. Во-вторых, при воспитании данной категории лиц целесообразно формировать у них навыки борьбы за формирование полезных для общества качеств и ценностей, за отсутствие негативных психических переживаний в их поведении в случае возникновения различных психических трудностей. При этом сделан вывод о целесообразности формирования не только культуры поведения, но и эмоциональной культуры в воспитании человека с юности.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида республикамизда жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёки қўрқитиш натижасида жиноят содир этганлик учун жавобгарликни белгилаш, уни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга аҳамият берилди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш ҳамда Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ҳамда ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу нуқтаи назардан, мазкур йўналиш суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари қаторида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, жиноят қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. шу жиҳатдан ҳам “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Концепцияда қилмишнинг жинойилигини истисно қилувчи ҳолатларни белгиловчи нормаларни такомиллаштириш назарда тутилган [1].

Бундан ташқари, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам жиноят қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жинойи жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш изчил давом эттирилиши белгиланди [2].

Криминологияда жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумижтимоий ва махсус-криминологик турлари бир-биридан фарқланади. Бунда ҳар иккала турга мансуб чора-тадбирлар жиноятчиликнинг олдини олишнинг бир нечта босқичида амалга оширилиши мумкин. Биринчи босқичда жамият ҳаётидаги йирик ижтимоий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш, тарбиявий ва мафкуравий ишларни кучайтириш ва бошқа шунга ўхшаш чора-тадбирлар назарда тутилади.

Иккинчи босқич эса низоли вазиятлар юзага келган ва салбий ҳодисалар содир бўлиши кутилаётган муайян ижтимоий табақалар (микромухит)га профилактик таъсир кўрсатишни ўз ичига олади. Учинчи босқич жиноят содир этишга мойил шахсларнинг қарашларини ижобий томонга ўзгартиришга йўналтирилган индивидуал тарбиявий ишларни амалга оширишни мақсад қилади [3]. Профилактикани ташкил этиш учун таъсир объектини аниқлаш ва белгилаш муҳим аҳамият касб этиб, бу мазкур фаолиятга конкрет ва изчил тус беради. Айнан шу ерда жиноятчининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш талаб қилинади [4].

Кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффе́кт) ҳолатида содир этиладиган жиноятларни олдини олиш ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш маълум қийинчиликларга эга бўлиб, бу қўйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, бу каби жиноятларда айбдор ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятини чекловчи нотабий эмоционал ҳолатни бошидан ўтказди; иккинчидан, кўриб чиқиладиган жиноятлар вазиятга боғлиқ равишда вужудга келади ва ўзида “тасодифийлик” характерини касб этади. Жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар турлича бўлиши мумкин. У.Ханаевнинг фикрича, ҳар қандай алоҳида жиноятнинг сабаблари учта асосда: шахснинг ўзида, ижтимоий муҳитда ва вазиятда мавжуд бўлади [5].

Аффе́кт ҳолатида содир этиладиган жиноятларни виктимологик профилактикаси, аввало, иштирокчилар ўртасида юзага келаётган низоли вазиятга дарҳол аралашиб, улар ўртасидаги низоли вазиятни нормаллаштириш ҳамда юқори виктимликка эга бўлган шахслар билан профилактик ишларни олиб боришга йўналтирилиши лозим.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятининг сабаблари ва уларни олдини олишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, мазкур ҳолатни назарда тутувчи қонун ҳужжатлари нормаларини таҳлил қилиш. Бунинг учун таҳлил, тарихий-қиёсий услуб, абстракция ва таққослаш сингари илмий билишнинг усулларидан фойдаланилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Табиийки, мазкур жиноятларни содир этилишининг ўзига хос жиҳатларини аниқлашга қаратилган профилактик тадбирларни режалаштириш ва уни амалга оширилиши энг аввало, зўрлик ишлатиб шахсга қарши содир этиладиган бошқа тажовузларни олдини олишга қаратилган умумий ва махсус кримнологик чоратадбирлар доирасида амалга оширилади. Чунки, бу жиноятлар вужудга келиши ижтимоий сабабларига кўра бир-биридан фарқланмайди ва биргаликда ушбу жиноятларга қарши кураш мақсадга мувофиқдир.

Аффе́кт ҳолатида содир этилган жиноятларнинг бевосита профилактикаси, аввало, жабрланувчи билан айбдор ўртасидаги ўзаро муносабат билан боғлиқ бўлиб, у айбдорда аффе́кт ҳолатини вужудга келтирувчи ва низоли вазиятни пайдо қилувчи ҳолатлар ҳамда бошқа бевосита омилларни бартараф қилишда намоён бўлади.

Жабрланувчи ташаббусига кўра бошланувчи жанжал ёки низоли вазиятни аффе́кт ҳолати вужудга келгунга қадар, бошқача қилиб айтганда жиноят содир этишга ҳақиқий замин бўлгунга қадар олдини олиш лозим.

Бу вазиятда, агар жабрланувчига айланиши мумкин бўлган шахс ўзининг ахлоққа зид хулқ-атвори ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларини у айбдорда жавоб реакциясини вужудга келтиргунга қадар тўхтатсагина жиноят содир этишни олдини олиш мумкин. Шундай экан жабрланувчининг хатти-ҳаракатлари айбдорда эмоционал портлашни вужудга келтиргунга қадар тўхтатилиши учун қандай профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масаласини чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолати ўзининг қисқа муддатлилиги ва кутилмаган вазиятда вужудга келиши билан ажралиб туради, бу эса бизга мазкур жиноятларни қисқа муддатли жараёнда олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқилишида қийинчиликларни келтириб чиқариши табиий.

Алоҳида вазиятларда айбдор ва уни ўраб турган атрофдагилар ўртасида вужудга келадиган объектив ҳолатларни инобатга олиш лозим. Бу ҳолатларга дастлаб жабрланувчини ижтимоий-демографик белгиларини киритиш мумкин.

Жабрланувчини ижтимоий-демографик белгилари қаторида энг аввало унинг ёши муҳим роль ўйнайди. Чунки шахснинг ҳар бир ёш даври ўзининг аниқ бир психофизиологик белгилари ва атроф муҳитга бўлган муносабатларининг шаклланишидаги ўрни билан ажралиб туради. Инсон ёши улғайган сари унинг жамиятдаги ижтимоий функциялари, табиати ва низоли вазиятга бўлган муносабати ҳам ўзгаради. Жабрланувчи шахсини тавсифлашда шу билан бирга унинг таълим даражаси ва меҳнат фаолиятини ҳам инобатга олиш лозим. Ушбу белгилар шахснинг ижтимоий сифатлари ва уни ўраб турган атроф муҳитга нисбатан қандай шаклда муносабат билдиришини англатади.

Вазиятни ўрганиш натижасида шунга амин бўлиш мумкинки, низоли вазиятларда ушбу ҳолатларни олдини олиш ёки уни чуқурлашиб кетишига йўл қўймасликни низо иштирокчилари томонидан амалга оширилишига умид қилиш ҳам кўпчилик ҳолатларда фойдасиз, шу боис, аксар ҳолатларда бу каби низоли вазиятларни қай даражада дастлабки босқичларда олдини олиш ва жиноят содир этилишига йўл қўймаслик жабрланувчини ғайриқонуний ҳаракатларига гувоҳ бўлган бошқа шахслар ёки жамоат тартибини сақловчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг тезкор аралашувига боғлиқ.

Бу каби аралашувлар айбдорнинг жавоб реакциясини олдини олишда, айниқса, жабрланувчининг ғайриқонуний ҳаракатларини вужудга келишига замин яратган ҳолатларни бартараф этишда амалга оширилса янада самаралироқ бўлади.

Субъектив жиҳатдан олиб қараганда мазкур жиноятларни аффект ҳолати вужудга келгандан сўнг ҳам олдини олиш мумкин, фақат бу вазиятда аффект ҳолатини вужудга келишига асос бўлган ёки уни қўзғатган ҳолатларни бартараф қилишга қаратилган кўшимча қийинчиликлар ҳам вужудга келади.

Ўзга шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш ёки унга зарар етказишга қаратилган ҳаракатларга кўчган эмоция аффект ҳолатига айланар экан, инсонни фаолиятсизлигига айланувчи касаллик каби намоён бўлади ва бу ҳолатни ҳар ким ҳам ўз вақтида енгиб ўтишга қодир эмас.

Инсон эмоциясига таъсир кўрсатиш, биринчи навбатда, унинг психикасига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади. Инсон ақлий фаолиятининг доимий равишда ишлаши аффектни вужудга келишига тўсқинлик қиладиган омиллардан бири саналади.

Айрим олимлар юзага келган вазиятда онг ва ҳис туйғуни юқори даражада бошқариш қобилиятининг мавжудлиги психиканинг салбий ҳаракатини пасайтириш имкониятини беради, шунингдек, шахнинг ўз эмоцияларини ҳамда уларни ўз ҳаракатларида намоён бўлишини бошқариш имкониятини беради, деб фикр билдиришади [6]. Аффект ҳолати вақтида бунга асаб тизимига дарҳол дам бериш орқали эришиш мумкин. Чунки, аффект ҳолатида асаб тизими ўзининг тинимсиз ривожланиши ва кўзғалиш кучи билан ажралиб туради, шу вақтда унга дам бериш ёки оз фурсат бўлса-да инсон руҳиятини нафас ростлаши аффектни юқори кульминацион босқичга чиқишига тўсқинлик қилади.

Беихтиёр пайдо бўлувчи эмоционал реакцияни ихтиёрий равишда бартараф қилиш учун, аввало, инсоннинг ички захирадаги кучларини сафарбар қилиш керак, шунингдек унинг диққатини аффектнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлмаган предметга ёки умуман бошқа ижобий фаолиятга қаратишга имкон берувчи усул ва методлардан фойдаланиш лозим. Бундай усуллар қаторига шахс томонидан умуман аффектни вужудга келтирувчи вазиятга боғлиқ бўлмаган мавзу ҳақидаги маълумотни етказиш ёки тиббиёт фанида эътироф этилганидек шахснинг ўтириши ва шунга ўхшаш инсонни чалғитишга қаратилган ҳаракатларни киритиш мумкин.

Инсонда “ички назорат”нинг мавжудлиги ва ундан унумли фойдаланиши аффектни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Бу ички назорат кўпинча шахсни қийин вазиятларда оғир-босиқлик билан ўзини қўлга олиши, диққатини бошқа предметга қарата олиши, руҳий фаолиятини бир оқимдан бошқа оқимга кўчира олишида намоён бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, бу шахсдан жамоатда, шу билан бирга экстремал вазиятларда ўзини тута билиш ва эмоционал ҳамда ахлоқий маданиятини юқори бўлишини талаб қилади. “Аффектни бошқариш шахснинг ахлоқий ва маънавий сифатлари, хулқ-атвори ва ҳаётий тажрибаси билан юқори даражада боғлиқ [7]”.

Шахснинг ахлоқий ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб етишишида давлатимизда ёшлар соҳасида олиб борилаётган сиёсатини ўрни беқиёс. Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама баркамол ва ахлоқий етук бўлиб етишиши учун махсус давлат дастурлари ва бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бугунги кунда ёшларнинг дунёқараши ва ҳуқуқий ҳамда маънавий онгининг юқори даражада шаклланишига бир қатор салбий омиллар таъсир кўрсатаётганлигини ҳам инкор қила олмаймиз. Бу, ўз навбатида, ёшларни юқори ҳуқуқий маданият даражасида тарбиялашдек олдимизда турган вазифаларни амалга оширишга ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Шундай салбий омиллар қаторига ёшларни зўрлик, инсонни жиноят содир этишга ундовчи турли саҳналарни кўриш имкониятининг юқори эканлиги, инсон қадриятини оёқ ости қилишни тарғиб қилувчи ва инсонни жамият олдидаги масъулиятини пасайишига олиб келувчи турли хил шаклдаги ахборотларни Интернет ёки турли ахборот етказувчи воситалар орқали намоёиш қилинишини киритишимиз мумкин. Буларга қарши муносиб кураш учун, аввало, ёшларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, ота-она ва яқинлар, умуман жамиятга бўлган ҳурмат руҳида ўстириш ҳар бир ота-она, қолаверса, жамият аъзосининг бурчидир.

ХУЛОСА

Бизнингча аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг умумий профилактикаси қуйидагилардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ:

биринчидан, аффект ҳолатида содир этилган жиноятларнинг олдини олишда нафақат жиноят содир этишга олиб келувчи дастлабки ва асосий сабабларнинг олдини олиш, балки ушбу сабаб ҳамда омиллар таъсирига тез дучор бўладиган шахсларни тарбиялаш лозим;

иккинчидан, мазкур тоифадаги шахсларни тарбиялашда уларда жамият учун фойдали сифатлар ва қадриятларни шакллантириш, юзага келган турли руҳий қийинчиликлар ҳолатида салбий руҳий кечинмаларни ўз хулқ-атворида ифодаланмаслиги учун кураш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими шахсни ёшлиқдан тарбиялашда нафақат ўзини тутиш маданиятига, балки эмоционал маданиятни ҳам шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш муҳим.

Л. Алимовнинг қуйидаги фикрларини қўллаб-қувватлаймиз, “зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг профилактикаси ва уни олдини олишда айнан зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик ҳақидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини кучайтириш талаб қилинади. Бундан ташқари, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини ҳаётга тўла татбиқ қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга [8]”. Қ. Абдурасулова оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноий ҳодисаларнинг олдини олиш чораси сифатида оилани жамиятнинг кичик бир бўғини сифатида мустаҳкамлаш, уни сақлаш ва равнақ топтириш ҳақида ғамхўрлик қилишни кўрсатиб ўтган [3]. Н. Рулан тўғри таъкидлаб ўтганидек, “Айрим жамиятларда низоли вазиятларни тинч йўллар билан тартибга солиш ва ҳал қилишга уринилади. Бошқаларда эса, аксинча низоли вазиятлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда муҳим ўрин эгаллайди ҳамда бу ҳолатлар кўпинча ўч олиш қуролига айланади [9]”.

Бу каби жиноятларда виктимологик профилактика чора-тадбирларини ташкил этиш учун нафақат яширин қурбонни аниқлаш, шу билан бирга турли хил вазиятларда қурбон ва келиб чиқиши мумкин бўлган зарар ўртасидаги алоқани кузатиш лозим. Бунга оддий мисол сифатида ноқобил оиладаги низоли вазиятни кўрсатиш мумкин.

Шахснинг низоли вазиятни вужудга келтирувчи нолойиқ хулқ-атворида қарши самарали курашни унда ахлоқий қарашларни юқори даражага олиб чиқмасдан туриб тасаввур қилиш қийин. У шу билан бирга, алкоголь ичимликларга ружу қўйиш, ёшлар ўртасида соғлом тарбия муҳитини яратиш, оилаларда тарбия топаётган ёшларга жамоатчиликнинг ижобий таъсирини оширишга қаратилган чора-тадбирлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Жиноятчиликка қарши кураш чора-тадбирлари кўпчилик ҳолатларда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар ҳуқуқий тарбияни оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқий маданият криминал хулқ-атворнинг шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида белгилаб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сон Фармони билан тасдиқланган “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Концепцияси”нинг асосий мақсади сифатида ҳам аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини билладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан мурасасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратиш белгиланган [10].

Ушбу мақсадларга эришиш учун мазкур фармон билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланган бўлиб, унда асосий урғу ҳам ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш орқали жамиятда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни камайтиришга қаратилган.

Бунда, айниқса, аҳоли орасида, хусусан, ёшларни қонунга итоаткорлик ва ҳурмат руҳида тарбиялашда ОАВ роли ва ўрни беқиёслигига алоҳида урғу бериш лозим. Ёшларнинг мактаб давриданоқ ҳуқуқий билимларини шакллантиришга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мазкур соҳадаги хорижий мамлакатлар тажрибасига назар солсак, улар асосан ҳуқуқни қўллаш ва нодавлат ташкилотлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламдаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Хусусан, Швецияда Миллий кенгаш ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига жиноятни олдини олиш юзасидан мониторинг олиб бориш, унинг натижаларини таҳлил қилиш, жиноят тенденцияларини прогноз қилиш, мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шаҳар ва ўзини ўзи бошқариш органларига профилактик таълим программаларини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилган [11].

Францияда шу каби вазифани шаҳар кенгаши бажаради, уни эса мамлакат Бош вазири ўз назоратига олган. Бундан ташқари, етти юздан ортиқ жиноятларни профилактика қилувчи тузилмалар ўз фаолиятларини ўзини ўзи бошқариш кенгашлари, адлия органлари, турар-жойни ривожлантириш ва ижтимоий хизмат, таълим ва маданият, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бевосита ҳамкорликда олиб боради.

Одатда оила ва кундалик фаолиятда вужудга келадиган ноҳуш ҳолатлар узоқ вақт давом этиши билан характерланади. Шундай вазиятларни кўпайишини олдини олиш учун олдиндан виктимологик профилактик ишларни олиб бориш лозим, шунда одамлар ўртасида келишмовчилик, шахсий муносабатларни ўзини ўзи бошқариш, қўни-қўшни аралашувлари ёрдамида ҳал қилиниши турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилиши табиий.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) ҳолатида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш маълум қийинчиликларга эга бўлиб, бу қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, бу каби жиноятларда айбдор ўз ҳаракатларини бошқариш имкониятини чекловчи нотабиий эмоционал ҳолатни бошидан ўтказиши; иккинчидан, кўриб чиқиладиган жиноятлар вазиятга боғлиқ равишда вужудга келади ва ўзида “тасодифийлик”

характерини касб этади. Жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар турлича бўлиши мумкин.

Жамият ва оилада аёлларнинг тутган ўрни, оила ҳақида ғамхўрлик қилиш юкининг кўпчилик ҳолатларда аёллар зиммасига тушаётганлиги кўпчилик аёллар томонидан содир этиладиган мазкур тоифадаги жиноятларни ўзига хос жиҳатларини намоён қилади. Шунингдек, эр ёки отанинг алкоголь маҳсулотларга ружу қўйганлиги, муттасил равишда оила аъзоларининг ҳақорат қилиниши, эркак кишининг хиёнати ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар аёл руҳиятига зарар етказди ва уни аффе́кт ҳолатига тез чалинишига замин яратиши аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to radically improve the system of criminal and criminal procedure legislation.") <https://lex.uz/docs/3735818>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On the Development Strategy of New Uzbekistan for 2022-2026"). <https://lex.uz/docs/5841063>

3. Қ.Абдурасулова, Аёллар жиноятчилиги // Ҳаёт ва қонун. 2004. – №4. – Б. 71-72. (Abdurasulova K. Women's crime // Life and law. 2004. - No. 4. - P. 71-72)

4. Ё.Ҳайдарова, Криминоген омиллар ва профилактика. // Нуқуқ ва бурч. 2010. – №2 (50). – Б. 49-50 (Khaidarova Y. Criminogenic factors and prevention. // Right and duty. 2010. - No. 2 (50). - P. 49-50)

5. У.Ханаев, Жиноят: унинг сабаб ва шарт-шароитини аниқлаш. // Ҳаёт ва қонун. 2003. – №3. – Б. 41 (Khanaev U. Crime: determination of its causes and conditions. // Life and Law. 2003. - No. 3. - P. 41)

6. Ратинова НА. Психология насильственных преступлений и их экспертная оценка. – М.: 2001. – С.14.; Побегайло Э. Ф. Психологические детерминанты криминальной агрессии // Уголовное право. 2002. – № 1. – С. 102 (Ratinova N.A. Psychology of violent crime and ix peer review. - М.: 2001. - P.14.; Pobegailo E.F. Psychological determinants of criminal aggression // Criminal law. 2002. - No. 1. - P. 102)

7. Кудрявцев В.Н. Стратегии борьбы с преступностью. – М.: Юрист, 2003. – С. 123 (Kudryavtsev V.N. Crime control strategies. - М.: Lawyer, 2003. - P. 123)

8. Алимов Л. Насильственные преступления и их профилактика. // Нуқуқ ва бурч. 2008. – № 5. – Б. 56-57 (Alimov L. Violent crimes and ix prevention. // Right and duty. 2008. - No. 5. - P. 56-57)

9. Рулан Н. Юридическая антропология. – М.: Норма, 2000. – С. 154 (Rulan N. Legal Anthropology. - М.: Norma, 2000. - P. 154)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 09.01.2019 йилдаги ПФ–5618-сон Фармони (Decree No. PF-5618 dated 01/09/2019 of the President of the Republic of Uzbekistan “On the fundamental improvement of the system of raising legal awareness and legal culture in society”). <https://lex.uz/docs/4149765>

11. Долгова А.И. Проблемы правовой и криминологической культуры борьбы с преступностью. – М.: Российская криминологическая ассоциация, 2002. – С. 35 (Dolgova A.I. Problems of legal and criminological culture of combating crime. - М.: Russian Criminological Association, 2002. - P. 35)